

## Азербайжон дипломатия академияси вакилининг институтимизга ташрифи

Азербайжон дипломатия академияси (АДА) талабаларни қабул қилиш бўлими менежери Айтекин Гусейнова ва Гейдар Алиев номидаги Озарбайжон маданият маркази бошлиғи Юсиф Мамедов институтимизга ташриф буюрди. "Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш" факультети декани Р. Хакимов меҳмонларни таништириш билан учрашувни очиб беришди. А.Гусейнова Азербайжон иқлими, географияси, аҳолиси ва маданияти ҳақида сўзлаб берди. Сўнгра Айтекин АДА университети ҳақида 10 минутли видеороликни талабаларга қўйиб беришди. Магистратура ва докторантурада грант асосида ўқиш имкониятлари хусусида кенг қамровли маълумот тақдим этилди. Талабаларда Азарбайжонда таҳсил олиш имконияти ҳақида турли кўринишдаги савол-жавоблар қизғин тус олди. Барча саволларга тўлиқ ва батафсил маълумот берилди. Учрашув сўнгида меҳмон А.Гусейновага институт номидан эсдалик совғалари берилди.



**ТИҚХММИ матбуот хизмати**